


## ХIII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2878,7 минг кишини ташкил қилди ва йил бошига нисбатан 56,8 кишига ёки 2,0 % га кўпайди. Шундан, 1 865,0 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,8 %) ва 1 013,7 минг киши – қишлоқ жойларида (35,2 %) истиқомат қилади.

### Наманган вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот (2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ
<b>Вилоят жами</b>	<b>2 878,7</b>	<b>1 865,0</b>	<b>1 013,7</b>
Наманган ш.	648,1	648,1	-
Мингбулоқ	128,8	44,8	84,1
Косонсой	213,7	128,5	85,2
Наманган	180,5	54,5	126,0
Норин	166,6	76,5	90,2
Поп	223,4	127,6	95,8
Тўрақўрғон	229,0	132,5	96,5
Уйчи	217,7	105,8	111,9
Учқўрғон	175,2	75,0	100,2
Чортоқ	202,9	135,5	67,4
Чуст	270,1	183,3	86,8
Янгиқўрғон	222,7	153,1	69,6

**Наманган вилояти шаҳар ва қишлоқлар  
бўйича аҳоли сони тўғрисида маълумот  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига, минг киши)**




Шунингдек, вилоятдаги жами доимий аҳолининг 1462,2 минг таси эркаклар (жами аҳоли сонининг 49,3 %) ва 1416,5 минг таси аёлларни (49,3 %) ташкил этади.

Вилоятнинг ҳудудий майдони 7,444 минг кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 386,7 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4 320,7 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 888,4 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 839,6 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 76,8 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 173,9 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 288,1 киши тўғри келмоқда.

2021 йил 1 апрель ҳолатига ҳудудлар кесимида аҳоли зичлиги


(1 км кв киши)



Наманган вилояти ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши		
	жами	шу жумладан:	
		эркак	Аёл
<b>Вилоят жами</b>	<b>2 878,7</b>	<b>1 462,2</b>	<b>1 388,8</b>
Наманган ш.	648,1	333,5	314,6
Мингбулоқ	128,8	65,5	63,4
Косонсой	213,7	108,9	104,7
Наманган	180,5	92,2	88,3
Норин	166,6	84,9	81,8
Поп	223,4	112,2	111,1
Тўрақўрғон	229,0	115,7	113,3
Уйчи	217,7	108,9	108,8
Учқўрғон	175,2	87,8	87,5
Чортоқ	202,9	101,6	101,3
Чуст	270,1	138,1	132,1
Янгиқўрғон	222,7	113,0	109,6

**Наманган вилояти ҳудудлари бўйича аҳолининг жинси сони тўғрисида маълумот**  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига, минг киши)




**Аҳолининг табиий ҳаракати**  
(январь-декабрь)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2020 йил	2021 йил <sup>1)</sup>	ўсиш, камайиш	2020 йил	2021 йил <sup>1)</sup>
Туғилганлар	14 710	15 219	509	21,0	21,5
Вафот этганлар	3 200	3 233	33	4,6	4,6
Табиий ўсиш	11510	11986	476	16,4	16,9
Никоҳлар	3 306	4196	890	4,7	5,9
Ажралишлар	557	718	161	0,8	1,1

<sup>1)</sup> дастлабки маълумот

## Аҳолининг табиий ҳаракати коэффиценти


2021 йил январь-март ойларида  
(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



**Туғилиш даражаси.** 2021 йил январь-март ойларида туғилганлар сони 15 219 кишини ташкил қилди ва 2020 йилнинг мос даврига (14 710 киши) нисбатан 509 тага кўпайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 21,5 промиллени ташкил қилди ва 2020 йилнинг мос даврига (21,0 промилле) нисбатан 0,5 промиллега ўсиш бўлди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Наманган шаҳрида (24,8 дан, 25,8 промиллега), Косонсой туманида (21,3 дан 21,4 промиллега) ва Янгиқўрғон (18,7 дан 20,5 промиллега) туманларида кузатилди


### 2021 йил январь-март ойларида ҳудудларда туғилиш даражаси (1000 аҳолига нисбатан, промилле)



**Ўлим даражаси.** 2021 йил январь-март ойларида вафот этганлар сони 3 233 кишини ташкил қилди. 2020 йилнинг мос даврига (3200 киши) нисбатан 33 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,6 промиллени ташкил қилди (2020 йил январь-март ойларида – 4,5 промилле).

Вафот этганлар сони кўпайиши Наманган т (3,8 дан 4,2 промиллега), Уйчи (5,0 дан 5,1 промиллега), ва Чуст (3,9 дан 4,5 промиллега) туманларида кузатилди.

**2021 йил январь-март ойларида хуудларда  
ўлим даражаси**  
(1000 аҳолига нисбатан, промилле)



**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2021 йил январь-март ойларида ФХДЁ органларида 4196 та никоҳлар ва 718 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан промилледа 5,9 никоҳ (2020 йилнинг тегишли даврида – 0,8) ва 1,0 ажралишлар (2020 йилнинг мос даврида – 1,0) тўғри келади.

**Январь-март ойларида тузилган никоҳлар  
ва никоҳдан ажралишлар сони**

*(бирлик)*

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2020 йил	2021 йил	2020 йил	2021 йил
<b>Вилоят жами</b>	<b>3 306</b>	<b>4 196</b>	<b>557</b>	<b>718</b>
Наманган ш.	371	675	91	184
Мингбулок	192	193	26	26
Косонсой	258	355	45	46
Наманган	154	189	33	35
Норин	178	211	41	52
Поп	290	396	64	60
Тўрақўрғон	235	350	34	47
Уйчи	220	276	58	55
Учқўрғон	242	257	37	57
Чортоқ	289	311	34	39
Чуст	594	634	60	73
Янгиқўрғон	283	349	34	44

**Туманлар (шаҳар) кесимида никоҳ тузганлар сони ва коэффициенти**  
(2021 йил январь-март ҳолатига 1000 аҳолига нисбатан, промилле)




**Туманлар (шаҳар) кесимида никоҳдан ажралиш сони ва коэффициенти**  
(2021 йил январь-март ҳолатига 1000 аҳолига нисбатан, промилле)






**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2021 йил январь-март ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 1233 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 1962 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий -729 кишига (2019 йилнинг мос даврида - манфий -413 киши) тенг бўлди. Энг катта манфий қолдиқлар Наманган шаҳрида (манфий -31), Тўрақўрғон (манфий -22), Чуст (манфий -164), Норин (манфий -68) туманларида кузатилди.


**Туманлар (шаҳар) кесимида кўчиб келганлар сони**  
(2021 йил январь-март)



**Туманлар (шаҳар) кесимида кўчиб кетганлар сони**  
(2021 йил январь-март)



**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида  
доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**



**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар кесимида доимий  
аҳоли сонининг тақсимланиши**


*минг кишида*

	Доимий аҳоли сони		
	2020 йил	2021 йил	Ўсиш +/-
<b>Вилоят жами</b>	<b>2 821,9</b>	<b>2 878,7</b>	<b>56,8</b>
Наманган ш.	629,0	648,1	19,1
Мингбулоқ	126,3	128,8	2,5
Косонсой	209,4	213,7	4,3
Наманган	179,4	180,5	1,1
Норин	163,8	166,6	2,8
Поп	219,7	223,4	3,7
Тўрақўрғон	226,2	229,0	2,8
Уйчи	213,1	217,7	4,6
Учкўрғон	172,1	175,2	3,1
Чортоқ	199,1	202,9	3,8
Чуст	265,8	270,1	4,3
Янгиқўрғон	218,0	222,7	4,7

Вилоятда ўртача ойлик иш хақи 2021 йилнинг январь-март ойларида 2 232,9 минг сўмни ташкил этиб, вилоят худудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яни ўртача ойлик иш хақининг юқори миқдори Наманган шаҳрида 2703,4 минг сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш хақига нисбатан 109,1 %) ва Тўрақўрғон туманида 2323,3 минг сўмни (105,6 %), ташкил этган.

Бошқа худудларга нисбатан Чуст туманида 1706,4 минг сўмни (104,9 %), Чортоқ туманида 1774,6 минг сўмни (102,4 %), Мингбулоқ туманида 1801,9 минг сўмни (101,4 %), Норин туманида 1887,9 минг сўмни (104,7 %), ташкил этиб, вилоятдаги ўртача иш хақига нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.

**2021 йил январь-март ойларида худудлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи**  
(Вилоятдаги ўртача ойлик иш хақига нисбатан % да)



**Наманган вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш хақи**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан  
ташқари, минг сўм)

	2020 йил январь-март	2021 йил январь-март	Ўсиш суръати, % да
<b>Вилоят жами</b>	<b>2 098,1</b>	<b>2 232,9</b>	<b>106,4</b>
Наманган ш.	2 478,6	2 703,4	109,1
Мингбулоқ	1 777,1	1 801,9	101,4
Косонсой	1 860,8	1 890,2	101,6
Наманган	2 051,8	2 129,2	103,8
Норин	1 802,7	1 887,9	104,7
Поп	1 893,0	1 996,3	105,5
Тўрақўрғон	2 199,1	2 323,3	105,6
Уйчи	1 876,3	1 978,3	105,4
Учқўрғон	2 067,2	2 143,1	103,7
Чортоқ	1 734,0	1 774,8	102,4
Чуст	1 626,1	1 706,4	104,9
Янгиқўрғон	2 000,1	2 098,9	104,9

**2021 йил январь-март ойларида Наманган вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи соҳалар кесимида**  
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташиқари, минг сўм)

